Ушбу сонда:

2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

3 *Биздан сўраган эдингиз* МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИГАН БЎЛСА

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАЗИФА

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 3 август, шанба №124 (1341)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ЭЪТИБОР

Бойсун туманининг айрим қишлоқлари марказдан анча узоқда жойлашган. Тоғ ён бағирларидаги қишлоқларда транспорт қатнови қийин. Алоқа хизматида ҳам муаммолар учраб туради. Шу боис туман марказидан эллик-олтмиш, ҳатто юз чақирим олисда яшаётган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бундай қишлоқларда замонавий врачлик пунктлари қуришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сўнгги икки-уч йилда туманнинг Пулҳоким, Чилонзор, Сариосиё, Қорабўйин, Мачай каби қишлоқларида бир қанча шифо масканлари барпо этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида туман марказидан олисда жойлашган Қўрғонча ҳамда Тангимуш қишлоқларида ҳам ана шундай замонавий врачлик пунктлари ишга туширилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига

ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

Кирк ёшига қадар Бекмуҳаммад Саидрасулов асосан хўжаликда ишлади. Асли касби иқтисодчи. Шу боис ишлаб чиқариш иқтисодиётининг назарий жиҳатларини пухта ўзлаштирибгина қолмай, амалиётдан ҳам хабардор эди. Бир вақтлар маъмурий-буйрукбозликка асосланган тизимнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини яхши биларди. Ёш мутахассис қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимини моҳиятан ўзгартириш зарурлигини тушунарди, орзу қиларди.

Юртимизда мустақиллик туфайли туб ислоҳотларнинг бошланиши, мулкни хусусийлаштириш ҳаракати унинг ҳам қалбида умид учқунларини пайдо қилди.

— Хусусийлаштиришни навбатдаги моддий неъматларни тақсимлаш деб тушунганлар ҳам кўп бўлди. -дейди Иштихон туманидаги «Саидрасулов» номли фермер хўжалиги раҳбари Бекмуҳаммад Саидрасулов. - Президентимиз жамиятни ўзгартириш учун аввало тафаккурни, фикрлаш тарзини ўзгартириш керак, деб бежиз айтмаган экан. Буни ҳаётда кўрдик.

Мулк ҳақиқий эгасини топмаса, талон-тарож рўй бериши тайин. Бу ерда ҳам худди шундай бўлди. Чорва моллари-нинг бош сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш сезиларли камайди, техникалар яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шундан сўнг чорвачилик фермаси яна хўжалик тасарруфига қайтарилди. Бироқ бу масаланинг ечими эмасди. Ислоҳотларни давом эттириш, чорвани хусусийлаштириб, эгасига топшириш керак эди. Бу масала жамоа хўжалиги бошқаруви мажлисларида жиддий муҳокама қилинарди. Иқтисодчи бўлиб ишлаётган Б.Саидрасулов ҳаммасидан хабардор бўлиб, кўп йиллардан бери кўнгилга тугиб юрган орзулари рўёбга чиқишининг фурсати етганди.

Ўшанда у қатъий қарорга келиши керак эди: идорадаги ишини давом эттираверадими ёки ишлаб чиқариш фаолиятини танлайдими? Ҳар ҳолда бунёдкорликка йўғрилган эркин фаолият уни ўзига торта бошлаганди. Айни шу Бекмуҳаммад Саидрасулов ҳаётининг, меҳнат фаолиятининг туб бурилиш нуқтаси бўлиб қолади.

Даъвогарлар кўп эди. Аммо Б.Саидрасуловга кўпроқ ишонч билдирилди. Шундай қилиб, 1995 йилда унинг етакчилигида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилинди.

— Ўшанда бир тўхтамга келиш қийин бўлганди. Уйдагилар билан, дўстларим билан кўп фикрлашдик. Ниҳоят, Тошмамат акамнинг бир оғиз гапи далда бўлди, -деб эслайди Б.Саидрасулов, - Иккаламиз оила аъзоларимиз билан биргаликда ишлайдиган бўлдик. Даъвогарлар кўплигидан кимошди савдосида олинаётган мулкнинг нархи ошиб кетди. Лекин биз учун энди ортга қайтиш йўқ эди. Хўжаликнинг чорвачилик фермасини биз олганимизда 276 бош мол бор эди. Бинолар таъмирталаб бўлиб қолган, техникалар эскирганди. Эплай оламизми? Шу савол бизга тинчлик бермас, кўнглимизда ҳадик ҳам бор эди. Давлатга мулкнинг қийматини тўлаш ҳам бир муаммо эди. Шунда бизга тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар беришга доир Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари жуда қўл келди. Барча ишларни имкон қадар ўз кучимиз билан бошқаришга интилдик.

Энг аввало, фермер хўжалигига биркитилган 96 гектар ердан унумли фойдаланилди. Унинг 22 гектарига ғалла, қолганига озуқабоп экинлар экилиб, мўл ҳосил олинди. Ем-озуқа заҳирасининг етарли бўлиши чорвачилик ривожининг асосий кафолати, таянч нуқтасидир.

— Таназзул ҳолатига келиб қолган чорвачилик фермасидаги ишларни «ўлик нуқта»дан чиқариш учун унинг таянчларини топдик. -деди у ярим ҳазил оҳангида. Суҳбатдошимиз таянч нуқталар ҳақида гапирганда оқилона хусусийлаштиришни, тадбиркорлик ҳаракатларини, ҳалол меҳнат қилишни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Биринчи йилдаёқ моллар бош сони, ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, ер ҳосилдорлиги ошиб борди. Гўшт, сут маҳсулотлари шифохоналарга, болалар боғчаларига етказиб берилди.

Бекмуҳаммад ака аввало фермер хўжалигида ишлайдиган 23 кишининг моддий манфаатдорлигини оширишни, иш шароитини яхшилашни ўйлади. Бунга эришди ҳам. Ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун илгарилари хўжалик чорва фермаларида бўлганидек номигагина иш тутмади. Бира-тўла ҳамма шароитларга эга «Чорвадорлар уйи» қуриб қўя қолди. Ишлаб чиқариш фойдаси ҳисобига 2 та янги трактор сотиб олди. Ўтган йили «Савдогарбанк»нинг туман бўлими ажратган кредит туфайли чорва моллари зотини, таркибини янгилади. Бекмуҳаммад ака қорамоллар сонини 500 бошга етказишни мўлжаллаб турибди. Чунки бунга имконият бор. Туман раҳбарлари ҳам озуқа базаси учун қўшимча ер ажратилишига ёрдам бериш мумкинлигини таъкидлашган. Шунда ривожланиш янги поғонага кўтарилади.

Фермер хўжалиги етакчиси Бекмуҳаммад ака Саидрасулов тадбиркорда бошқа хусусиятлардан ташқари тадқиқотчилик хислати ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайди. У буни амалда исбот қилди. 2001 йилда фермер хўжалиги ерларига (13 гектар) такрорий экин сифатида биринчи марта чигит қадалди. Натижа ёмон бўлмади: ҳар гектардан 24 центнердан ҳосил олиниб, 2 миллион сўм соф даромад олинди. Бу йил эрта баҳорданоқ чигит қадалган ерлардан 45 центнердан ҳосил олишни кўзлаб туришибди.

Б.Саидрасулов республикамизда ҳам энг яхши тадбиркорлардан бири деб эътироф этилган. Унинг ўтган йили «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани ҳам шундан далолатдир. Бекмуҳаммад ака билан суҳбатлашсангиз, унинг фикри теранлигидан, дунёқараши кенглигидан, нияти поклигидан ҳузур қиласиз. Бундайлар эл-юрт хизматига елкасини беминнат тутиб бера олишини англайсиз. Айни мана шундай бунёдкор кишилар ҳақида «тадбиркор-тараққиёт таянчи»- деб айтилган бўлса ажаб эмас.

Р.ҚУРБОНОВ
«Ишонч» мухбири.



Пойтахтимиздаги Уй-жой қурилиш акционерлик жамияти бунёдкорлари томонидан Юнусобод даҳасида қурилаётган кўп қаватли бинолар жадал суръатлар билан қад ростламоқда. Ҳозирда бу ерда 100 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Иш унумининг юқори бўлишини таъминлаш мақсадида ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: қурилишдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Олим нуқтаи назари

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ ҳар биримизнинг бурчимиз

Конунчилик асосларини яратиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бозор муносабатларини янада шакллантириш каби ўта долзарб вазифалар республика миқёсида кенг кўламда ўз ечимини топмоқда. Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «одамларимизнинг ташвиш ва интилишлари билан яшашни, уларни ўз юракларимиздан ўтказишни, буюк ва эзгу мақсадларимизга етишиш учун ўзини аямасликни талаб қилади».

Ҳар бир меҳнаткашнинг турмуш тарзи, унинг иш фаолияти давлатимизнинг олий мақсади озод ва фаровон ҳаёт барпо қилишдек саъй-ҳаракатлар билан чамбарчас боғланиб кетганлиги ҳам шу боис. Ҳамма орзу-ҳавас билан яшайди. Зеро, инсон яхши касб эгаси бўлишни, обрў-эътибор қозонишни, қўйингки, ўзининг эл-юрт учун зарур эканлигини ҳис этиб умргузаронлик қилишни истайди.

Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Ривоят қилишларича, ўтмишда бир мамлакат подшоҳи ўз аёнларидан энг ишончли кишиларини қўшни давлатларга жўната туриб, иккита топшириқ берибди. Биринчиси, ўзга мамлакат ҳалқи ўз мамлакатига нима бераяпти, деган саволга жавоб топиш бўлса, иккинчиси, мамлакат ўз халқига нима беряпти, деган саволга жавоб топиш эди. Бир ой деганда аъёнлар саволларга жавоб топиб қайтишибди. Биринчи аъён сўз бошлабди: Олампаноҳ, мен борган мамлакат ҳалқи тиним билмай ишлар экан. Подшоҳ бунинг эвазига уларнинг хавфсизлигини таъминлаб турар экан, дебди. Иккинчи аъён сўз олибди: Олампаноҳ, мен борган мамлакат халқи ўз бойликларининг асосий қисмини хазинага топширар, бу маблағ ҳисобидан эса ўта ҳашаматли қаср ва кошоналар бунёд этилар экан, дебди. Учинчи аъёнга сўз навбати келибди: Олампаноҳ, мен борган мамлакат қудратини ҳам, бойлигини ҳам билолмадим, лекин халқининг ўз мамлакатига ва ўз подшоҳига тортиғи чексиз «меҳр» экан, подшоҳ бунинг эвазига ўз халқига уларнинг муаммолари ечими юзасидан кўмаклашиб турар экан холос, дебди. Подшоҳ учинчи аъёнга қараб, тушунмадим, дебди. Учинчи аъён изоҳ берибди: Масалан, кулол сопол идишларни тайёрлаётганда лой етмай қолса, подшоҳ соғ тупроқдан келтириб берар экан, сопол идишлар кўпайиб кетса, уларни бозорга олиб бориб сотишга кулолнинг вақти етмай қолса, подшоҳ савдогарларни ёллаб, кулол ишлаган идишларни соттириб берар экан, агарда сопол идишларга вақтинча талаб бўлмай қолса, кулол ва савдогарнинг ишини тўхтатмаслик учун подшоҳ уларни хазина ҳисобидан сотиб олар экан, шу боисдан бўлса керак ўша халқнинг ўз мамлакатига ва подшоҳига меҳри жуда баланд, дебди. Шунда подшоҳ аъёнларнинг ҳикояларидан хулоса чиқариб биринчи ва иккинчи мамлакатларни босиб олиш тўғрисида фармон бериб-ди. Буни эшитган малика подшоҳга савол берибди: Олампаноҳ, нега учинчи мамлакатни ҳам босиб олмайсиз, ахир куч-қудратингизнинг чеки йўқ-ку, дебди. Маликам, дебди подшоҳ, у мамлакатнинг қудрати ва бойлиги халқининг чексиз меҳридадир, қолаверса, ўша мамлакат подшоҳининг ўз зиммасига олган вазифаларини мен бажара олмайман,- деган экан.

Хулоса шуки, биз бахтиёр халқмиз. Бой, қудратли, мустақил ва энг муҳими, меҳри дарё юрт вакилларимиз. Қайси соҳани қарамайлик, қайси касб йўналишини таҳлил қилмайлик, бу катта ёки кичик бизнес вакиллари бўладими, тадбиркор бўладими, иқтисодчи ёки муҳандис бўладими, барчаларининг ҳимоя ва кафолатлари таъминланган ва уларга давлат раҳнамолиги белгилаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда).

МИНИ БАНК ИМКОНИЯТИ

Нурота тумани марказида мини банк очилди. «Асака банк»ининг вилоят бўлими шохобчаси сифатида фаолият бошлаган мини банкда қисқа вақт ичида мижозлар сони юз нафарга етди.

Мутахассислар фикрича, мини банк туманда рақобат муҳити яратилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса тадбиркор ва ишбилармонларга хизмат кўрсатиш савиясини оширади.

Айни пайтда туманда фаолият кўрсатаётган банклар сони тўрттага етди.

МИРЗАЧЎЛНИНГ ЧЕВАР ҚИЗЛАРИ

Аҳоли зич жойлашган Боёвут туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда қирқдан ортиқ турли корхоналар, фирмалар, ўқув ва тиббий муассасалар, ширкат хўжаликлари қатнашди. Ярмарка ўтказилган жойда турли меҳнат жамоалари фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи лавҳалар ўрнатилди.

Йил бошидан буён туманда ишга жойлашишни истаган 130 киши руйхатга қўйилди. Уларнинг ярмидан кўпи ҳозирда иш билан таъминланди. Бироқ, ишлаш истаги бўлса-да, ҳали руйхатда турмаган одамлар ҳам оз эмас. Улар учун бундай ярмаркалар катта аҳамиятга эга.

Ярмаркада ўнлаб одамлар ўзига муносиб иш топди. 20 дан ортиқ қизлар туман маиший хизмат бирлашмаси томонидан ташкил этилган курсларда тикувчи, тўқувчи касбини ўрганиш истагини билдирди.

Бундай ярмарка Ховост туманида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ҚУДДУСДА ПОРТЛАШ

Яҳудийлар университетининг талабалар шаҳарчасида кучли портлаш юз берди. Оқибатда етти киши ҳаётдан кўз юмди, саксонга яқин одам турли даражада яраланди. Ўлганлар ва жабрланганлар орасида Жанубий Корея, Япония, Туркия ва АҚШ фуқаролари ҳам бор.

Ушбу террорчилик ҳаракати учун барча масъулиятни ХАМАС ташкилоти ўз зиммасига олди.

Шу муносабат билан Исроил Вазирлар Маҳкамасида шошилинч мажлис бўлиб ўтди. Террорчилик ҳаракатининг янги тўлқинини бостириш учун тезкор режа тасдиқланди. Унга кўра Иордан дарёси ғарбий соҳилида жойлашган Fазо секторида яшаётган террорчиларнинг уйларини бузиб ташлаш ва уларнинг оила аъзоларини бошқа жойларга кўчиришга қарор қилинди. Бу эса шундоқ ҳам зиддиятли вазиятни янада кескинлаштириш демакдир.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ САЙЛОВ

Туркия мажлиси (парламенти) муддатидан қарийб икки йил илгари, яъни 3 ноябрда сайлов ўтказилишини эълон қилди. Гап шундаки, Бюлент Эживит раислик қилаётган каолицион ҳукуматнинг бир қанча вазирлари истеъфога чиқишларини билдириб, ариза бердилар. Улар орасида ташқи ишлар вазири Исмоил Жем ҳам бор.

Сиёсатдонлар ушбу инқирозни таҳлил қилиб, бунга бош вазирнинг саломатлиги ёмонлашганлигини ҳамда иқтисодий таназзулни сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

ПЕНСИЯ ОШДИ, НАРХ-НАВО-ЧИ?

1 августдан бошлаб россиялик нафақахўрлар аввалгига нисбатан 9 фоиз кўпроқ миқдорда пенсия ола бошладилар. Эндиликда ўртача пенсия 1417 рублни ташкил этмоқда.

Бироқ, мамлакат статистика қўмитасининг хабар қилишича, нафақахўрлар 1998 йил август ҳолати билан қиёслаганда, амалда 7,5 фоиз камроқ нафақа олмоқдалар. Боз устига пенсия миқдори ошиши билан бир вақтда истеъмол моллари ҳам тенг бараварига кўтарилиб кетди.

ШУ КУНИ ҲЕЧ КИМ УЧИШНИ ХОҲЛАМАЙДИ

АҚШнинг йирик авиакомпаниялари 11 сентябрга мўлжалланган рейсларни кескин камайтиришини маълум қилди. Сабаби аён. Иримчи одамлар учун бу кун энг қора кун сифатида умрбод сақланиб қолади.

ЧЕГАРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Польша ўзининг шарқий чегараларини мустаҳкамлашга киришди. Режага кўра Россия, Беларус ва Украина билан чегарадош ҳудудларни ҳозирдагидан беш мингдан кўп чегарачи қўриқлайди. Бундан ташқари, қайтадан техника билан қуроллантирилади. Бу Польшанинг 2004 йилда Европа иттифоқига кириши муносабати билан амалга оширилмоқда.

СУЛҲ ИМЗОЛАНДИ

Жанубий Африка Республикаси пойтахти Преторийда мамлакат президенти Табо Мбеки ва БМТ бош котиби Кофи Аннан васийлигида Руанда ва Конго Демократик Республикаси президентлари Пол Кагам ҳамда Жозеф Кабила тарихи 1994 йилга бориб тақаладиган ўзаро урушга чек қўйиш мақсадида тинчлик сулҳига имзо чекдилар.

Бу уруш Руандада истиқомат қиладиган хуту элатининг тутси қабиласига мансуб бир миллионга яқин кишини қатл этиши оқибатида бошланган, хунрезликка турли муносабат билдирган қўшни мамлакатларнинг ҳам қуролли аралашувига сабаб бўлган эди. Айни вақтда Марказий Африка минтақасида юз берган салкам ўн йиллик урушнинг келиб чиқишига айбдор бўлган саккиз офицернинг боши учун 5 миллион доллар мукофот эълон қилинди.

Излаган имкон топади

ОРАМИЗДА БЕКОРЧИ БЎЛМАСИН

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун ҳаётга татбиқ қилингач, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбарлигида қишлоқ ва маҳаллаларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш ҳамда ана шу жойларда тадбиркорликни шакллантириб, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш имкониятлари кўпайди.

«Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини Боғот тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, етти маҳаллани ўз ичига олади. Бу ерда ўн икки минг нафардан зиёд 11 миллат вакиллари истиқомат қилади. Кейинги йилларда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, кам таъминланган 56 оила ва 5 нафар якка-ёлғиз яшовчиларни тадбиркор ва фермерлар ўз қарамоғига олди. Ҳар ойда уларга ун, гуруч, ёғ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан имкон даражасида пул ҳам бериб турилибди. Коммунал хизматлари тўловларини вақтида бюджетга туширишда кўмаклашганимиз учун ўтган йили фуқаролар йиғини 2,5 миллион сўм даромад кўрди.

«Найман» фуқаролар йиғини тасарруфида бирорта ҳам саноат корхонаси йўқ. Бу ўз-ўзидан ишсизлик муаммосини келтириб чиқариши тайин. Аммо изланса, имкон топса бўларкан. Ҳозирги кунда 40 та хонадонда ғишт ишлаб чиқариш, 4 та хонадонда қамишдан қурилиш ашёлари тайёрлаш кичик цехлари ишга туширилиб, юзлаб ёшлар иш билан таъминланди. Хотин-қизлар учун ҳам шароитлар яратилмоқда. Айтайлик, 1 та гилам тўқиш цехи, битта тикувчилик цехи фаолият кўрсатиб келяпти.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун фаолиятимиз кўламини янада кенгайтирди. Масалан, айни пайтда замонавий бозор қурилишини бошлаб юбордик. Шунингдек, маҳаллаларнинг фаоллари билан фикрлашиб, қишлоқ музейи ва хотира майдонини ташкил этяпмиз. Яна тўқимачилик комбинати билан шартнома тузиб, қишлоқда унинг бўлимини ишга тушираяпмиз. Шулар қаторида олмониялик сармоядорлар билан ўзаро шартнома асосида сув ўзанини олиб кириш лойиҳаси устида иш олиб борилаяпти.

Ўтган йили «Энг яхши тадбиркор маҳалла оқсоқоли» вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни олгандик. Жорий йилда ҳам ана шу танлов бўйича республика босқичига чиқдик. Насиб этса, ундан умидимиз катта. Мақсадимиз эса битта: маҳаллаларни ободонлаштириб, ёшларни замонга мос қилиб тарбиялаш ва қишлоқлар жамолини шаҳарлардагидан қолишмайдиган даражага етказишдир.

Шомурод ОТАНАЗАРОВ,
«Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ТАЯНЧ ПУНКТИ
унинг афзаллиги нимада?

Ички ишлар тизими соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиляпти. Айни пайтда одамлар бу соҳа мутасаддилари билан кўпроқ ҳамкорлик қилиб, муаммоларни биргаликда ҳал этишга эришмоқдалар. Ҳолбуки, бир пайтлар мазкур тизимдаги ходимлар билан мулоқотда бўлишдан ҳайиқишарди.

Ислоҳотлар туфайли янгича шароитларга ўтиб ишлаш шаклланди. Туманимиз Тошкент вилоятидаги энг катта ҳудудлардан бири. Шундай бўлгач, аҳоли билан ҳамкорлик қилишда ўзига хос ташвишлар ҳам бисёр. Шу боис, вилоят ИИБ раҳбарлари таклифи билан республикада биринчи бўлиб, ҳар томонлама ихтисослашган 3 та таянч пунктини ишга туширган-дик. Ҳозир И.Ҳожиматов номли, Р.Ражабов номли, О.Йўлдошев номли ширкат хўжаликлари ҳудудида қулайликларга эга ва замон талабига мослаштирилган пунктлар ишлаб турибди.

Самара чакки эмас. Аввало бу жойларда аҳоли билан ҳамкорликни янада яхшилаш мақсадида теннис корти, спорт майдончалари, маҳалла қўмитаси хонаси, яраштирув комиссияси, педагог тарбиячилар хонаси, «Камолот» ёшлар хонаси, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш хонаси ва ҳуқуқий мавзудаги китоблар билан тўлдирилган кутубхона ишга туширилди.

Ҳар куни турли мавзулардаги суҳбат ва учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказилиб турилибди. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар жиноятчиликка қарши курашишда, ёшларнинг ватанпарвар кишилар бўлиб етишишида, айниқса,катта наф келтирмоқда. Агар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўрилса, турли хилдаги жиноятлар, жумладан, ёшлар ўртасидаги жиноятлар 35 фоизга камайди. Бунда тўгаракларнинг ишлаб турганлиги, яраштирув комиссиясида ва жиноятга қўл урганларни муҳокама қилишда шу ерда истиқомат қилаётганларнинг ҳам фаол иштирок этаётганлиги муҳим ўрин тутяпти.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, «Қорадори», «Арсенал» каби тадбирлар натижасида амалдаги қонунларни била туриб, жиноятга қўл урганлар ҳам аниқланди. Масалан, яқинда ўтказилган шундай тезкор тадбирлардан бирида тожикистонлик фуқаролар 2 кг 800 грамм героин гиёҳвандлик моддасини юртимизга олиб кираётганида қўлга олинди.

Аҳоли саломатлигига путур етказувчи ана шундай заҳриқотилни сақлаш ва истеъмол қилиш қонунларимизда таъқиқланган бўлса-да, буни билган ҳолда айрим шахслар ўз уйларида етиштираётганлиги ташвишлантиради, кишини.

Туманда яшовчи М.Салимов, К.Жамолова, В.Исоқулов сингари кишилар ана шундайлар хилидан бўлиб чиқишди. Улардан бири 9 квадрат метрда, иккинчиси-52 туп, яна бири эса 40 туп кўкнори кўчатини ҳовлисида парвариш қилаётганда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиниб, жавобгарликка тортилдилар.

Таянч пунктларида янада кўпроқ тарғибот ишлари олиб борилса, юқорида таъкидланган кўнгилсиз ҳолатларнинг барҳам топишига шубҳа йўқ.

Рустам ШЕРМАТОВ,
Бўка тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.

КОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

Пайариқ туман ДАН ходимлари бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳайдовчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Суратда: милиция капитани Рустам Жалилов ҳайдовчига тушунча бермоқда.

Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.

...МАОШДАН ЭСА ДАРАК ЙЎҚ

Таҳлил

Шаҳардаги «Омад» уй-жой мулкдорлар ширкати ишчиси А.Муродов тўрт ойдан буён иш ҳақини ололмаётганлиги учун прокуратурага мурожаат қилди. Шунингдек, Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишчиси А.Михайленко ҳам ўз вақтида иш ҳақини ололмаган. Аҳвол ўрганилиб, ишчиларнинг ҳақли эътирозлари қондирилди ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 49-моддаси билан корхона бошлиғи ва бош ҳисобчи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, «ЎзРосГБА» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ўтказилган текширишда корхонанинг апрел ойи ҳолатига ишчи-хизматчилардан 1982 минг сўм қарзи мавжуд эканлиги аниқланди. Шунингдек, «Сирдарё» ҳиссадорлик жамиятида ҳам иш ҳақидан қарздорлик бор экан. Натижада мазкур корхоналарда меҳнат унумдорлиги сусайган, ишчилар ҳақ-ҳуқуқи чекланган.

Прокуратура аралашувидан сўнг «Уйжой-жамғармабанк» томонидан муддати ўтган иш ҳақи кредиторлик қарзларини ёпиш учун корхона ва ташкилотларга жами 12450 минг сўм кредит маблағлари ажратилди. Хусусан, Деҳқонобод сув хўжалиги бошқармасига шаҳар сувоқава ташкилотига, 25-автосаройга, маблағ ўтказилди. «Туронбанк» томонидан эса Сирдарё СПМК корхонасига муддати ўтган иш ҳақи учун кредит маблағлари ажратилди.

Таҳлиллар жараёнида 24 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва 10 та корхона мутасаддилари устидан судга даъво аризалари киритилди.Бошқа ташкилотларнинг раҳбар ва ҳисобчилари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди.

Турғун САГАТОВ,
Гулистон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси.

ЭЛ РИЗҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАН КИМ?

Республикамиздаги табиий ва моддий бойликларни авайлаб-асраш, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Аммо арзимас чой-чақа учун бойликларни четга ноқонуний олиб чиқмоқчи бўлганларга ҳомийлик қилаётган кимсалар иши кишини ғоятда ажаблантиради. Денов туманидаги А.Темур номли ширкат хўжалигида яшовчи Мамаюсуф Бўриев ва Хосият Эшниёзова ана шундай кимсалар хилидан экан. Улар мўмай даромад қилиш учун ҳеч жойдан рўйхатдан ўтказилмаган 4 миллион 500 минг сўмлик тамаки маҳсулотини яширин йўллар билан Тожикистонга ўтказишаётганда тузоққа илиндилар.

Маълумки, юртимизда ғалла мустақиллигига эришишнинг ўзи бўлмаётир. Ҳар килограмм, центнер ортида заҳматли меҳнат, деҳқоннинг пешона тери мужассам. Ахир, нонимиз мўл бўлса, дастурхонлар тўкин бўлади, ўзгалардан муҳтожлик сезмаймиз. Бунинг аҳамиятини била туриб, нафс йўлини афзал билган Узун туманидаги Чақар қишлоғида яшовчи Маъмур Тоиров ўз хонадонига, эл ризқига хиёнат қилди. 1250 килограмм унни четга ўтказаётганида манзилга етмаёқ шарманда бўлди. Яна бир мисол: Денов тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшовчи Ҳанифа Ҳайитова 1,5 тонна бензин, Узун туманида истиқомат қилувчи Тоғаймурод Ҳайитов 149 қоп шакар билан, «Дазира» қишлоғида яшовчи Холмирза Оқбўтаев 136 қоп шакар билан қўлга олиниб, маҳсулотлари далилий ашё сифатида мусодара қилинди.

Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олиши табиий. Аммо бир нарса кишини ўйлантиради. Жойлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғини мутасаддилари, маҳалла посбонлари, қолаверса, қўни-қўшни наҳотки эл ризқига хиёнат қилаётганларнинг жиноий ишларидан бехабар бўлишса. Шунингдек, номлари зикр этилган жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг суст олиб борилаётганлиги ҳам ноқонуний ҳаракатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаяпти.

Муҳиддин ТОҒАЙМУРОДОВ,
Сариосиё туманидаги «Тўпаланг» йўл патрули хизмати катта лейтенанти.



ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича махсус комиссия томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги қошида вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида махсус комиссия тузилган бўлиб, у қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, бу йил қаровчисини йўқотган болалар бир ерга йиғилиб, тумандаги 122,182,279-сонли мактаблардаги ёзги оромгоҳларга жойлаштирилди. Махсус комиссия йиғилишида бу болаларнинг бундан кейинги тақдири билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда ушбу оромгоҳда жойлаштирилган болалар сони 20 нафар бўлиб, улар тиббий кўрикдан ўтказилди. Қолган туманларда ҳам қаровчисини йўқотган болалар ёзги оромгоҳларга жойлаштирилмоқда. Ота-оналар назоратидан четда қолган болалар ҳақида қайғуриш ва ёзги таътил чоғида бу болаларнинг дам олишларини таъминлаш ҳамда махсус давлат муассасаларига жойлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш орқали комиссия вояга етмаганлар ўртасида турли жиноятларнинг олдини олишга ҳисса қўшмоқда.

«Туркистон-пресс»

Меҳнатга яраша рағбат келгуси ишларнинг жадаллашувига имкон беради. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ана шу таомилга қатъий амал қилинмаса, ишда унум, меҳнаткашда эса саъй-ҳаракат суст бўлиши турган гап.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида: «Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажаги учун ёниб-яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб англайдиган раҳбар ҳар бир эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф, деб билиши лозим» деб, бежиз таъкидламагандилар.

Гулистон шаҳар прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорининг бажарилиши бўйича текширув ўтказди. Натижада баъзи корхона ва ташкилотлардаги аҳвол, афсуски қувонарли эмаслиги яққол сезилиб қолди.

Масалан, «Мирзачўлқурилиш» КМК корхонасидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, гарчанд бу ерда иш ҳақини тўлаш ва ишчиларни моддий қўллаб-қувватлаш имкониятлари етарли бўлсада, сунъий равишда 1344633 сўм маблағ тўланмаган. Ана шунинг оқибатида меҳнатга муносабат сусайиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари аввалги ярим йиллик билан таққослаб кўрилганда 15 фоизга камайган.

Маълумки, ҳар бир корхонада Меҳнат Кодекси талабларидан келиб чиқиб, жамоа шартномалари амал қилади. Бу ҳолат ишчини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ишончли манбаи эканлигини барча яхши билади. Аммо ана шу шартнома номигагина тузилиб, у амал қилмаса-чи? Бундай ҳолатда ишчининг сарсон-саргардон бўлиши аниқ.

ТҮНГИ ҚОТИЛЛИК

Ҳукм ўқилди

Ақлбекнинг ақлини ички-лик ўғирлади. У эски таниши Жулдибой Жониқулов билан «Нуронийлар» чойхонасида роса отамлашди. Кеч тушгач, акаси Олимнинг уйига борса, қишлоқдаги акаси Ориф ҳам шу ерда экан. Кечки таом олдидан дастурхонга «оқи» дан қўйилди. Ақлбек кетма-кет узатилган қадаҳни охиригача сипқараверди. Меҳмонга келган акаси билан уёқ-буёқдан суҳбатлашгач, зарур иши борлигини баҳона қилиб, кўчага отланди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Оёқлари ўзига бўйсунмаса-да, режалаштириб қўйган қабиҳ ишни тунда амалга ошириш ҳақида ўйларди. У хаёл оғушида Дўстлик шаҳридаги М.Дадажонов кўчаси, 4-уйнинг 10-хонадони олдида пайдо бўлди. Бу уйда Майра исмли таниши яшар, унинг даромади яхши эканлигидан хабардор эди. Майра чақирилмаган меҳмонни истар-истамас уйга таклиф этди. Бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтиришди. Ақлбек эса шум буюмларни тезроқ қўлга киритиш мақсадида уйнинг барча хоналарини остин-устин қилди. Икки дона аёллар тилла занжири, тўрт дона тилла узук, бир жуфт тилла қатсизлик билан бўғиб, юзи аралаш мушт тушира бошлади. Бундан ҳам қаноатланмай ошхонадаги пичоқни қўлига олди...

Майранинг уйидан умумий ниятини амалга ошириш учун пайт пойларди. Кутилмаганда меҳмон Майранинг томоғидан бўға бошлади. Шунда уй соҳибаси жон ҳолатда қаршилик кўрсатиб, рақибининг юзига чанг солди. Майрани қўшқўллаб бўғиб, баданига оғир шикаст етказди. Уни ўлди, дея хатти-ҳаракатларини давом эттириб, пул ва қимматбаҳо сирғани олиб, кейин шкафдаги сумкадан 8500 сўм пул ва М.Нисанбекованинг фуқаролик паспортини чўнтакка жойлаб залга қайтиб чиқди.

Ерда беҳуш ётган Майранинг ўнг қўли сал қимирлаганини кўриб, агар у тирик қолса қилмиши фош бўлишидан чўчиган ярамас жиноятни яшириш мақсадида, ҳушсиз ётган аёлни шафқиймати 535.000 сўмлик қимматбаҳо буюмларни олиб, ҳовли ташқарисидаги эшикни қулфлаб, калитни чўнтагига солганча ҳеч нарса кўрмагандай,бамайлихотир акасининг уйига борди.

Кўп ўтмай Шуҳрат Тулиевга тегишли «Тико» русумли автомашинада акаси билан Ғаллаорол туманига жўнаб кетди.

Ғаллаоролик Дилором Мирзақобиловага тилла буюмларни кўтарасига - 310.000 сўмга пуллади. Текин пул уни талтайтириб юборди. Бўлар-бўлмас жойларда пул сарфлайверди, бир қисмини ўртоқлари билан айш-ишратга ишлатди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек, қотил А.Сатторов тезда қўлга олиниб, қора курсига ўтирди.

Қарангки, эндигина 24 баҳорни қаршилаган А.Сатторов Дўстлик туман солиқ инспекциясида масъул вазифада ишлаб, 1.044901 сўм маблағни ўзлаштириб юборганликда айбланиб, аввал ҳам судланган эди.

Қотил қонун олдида жавоб берди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда ўйлаб қоласан киши, наҳотки иккала ака ҳамда ёру-дўстлар Ақлбекнинг юриш-туриши ўзгариб қолганидан, ичкиликка ружу қўйганлигидан, оқибатда жарлик сари бораётганидан бехабар бўлишса?!

Неъмат БОЙМУРОДОВ,
Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича суди судьяси.
Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тиниб-тинчимас одамлар

Одамлар орасида Худойберди ота Ярашев ҳақида гап кетгудек бўлса, у кишини моҳир педагог устоз бўлиши билан бирга меҳнатсевар боғбон, ёғочбоп дов-дарахтлар барпо этишдаги тадбиркорлик хислатлари тўғрисида ҳам жўшиб гапиришади.

ОТА ЭККАН ТЕРАКЛАР

Яккабоғ туманидаги «Ҳақиқат» хўжалигида меҳнат фаолиятини бошлаган Худойберди ёшлигидан ҳалол меҳнат билан чиниқди. Ана шу йилларда. йўқчиликни ўз бошидан кечирган ёш йигит боғбонликка ҳавас қўйди. Ўқитувчилик билан бирга боғбонлик билан шуғулланди.

Худойберди ота Ярашев кейинги 36 йиллик педогогик фаолиятида қайси мактабда ишлаган бўлса боғ яратиш, кўплаб ниҳоллар етиштириш каби савобли ишларни амалга оширди. У 1971 - 1976 йилларда тумандаги Муқимий номли ўрта мактабда директор бўлиб ишлаган кезларда мактаб атрофини боғ ва дарахтзорга буркаш билан бирга терак, олча, олма, анор, узум ниҳоллари етиштириб тумандаги барча мактаб ва хўжаликларга сотиб, катта даромад келтирганлиги кўпчиликнинг эсида.

Отахон фарзандларини уйли-жойли қилганда ҳам қурилиш материаллари изламасдан ўзи етиштирган терак ёғочларини ишлатди. Худойберди ота барча оила аъзоларини ундаганлиги сабабли уларнинг ҳам томорқасида ёғочбоп дарахтлар парвариш қилишмоқда.

Отахон 1995 йили нафақага чиққандан сўнг уйда бекор ўтиришни ўзига эп кўрмасдан «Ҳисор» хўжалиги маъмуриятига ер олиш учун мурожаат қилиб борди. Унга 5 гектар нотекис ер ажратиб берилди.

Бозор иқтисоди даврида теракчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Хўжалик ёки бирон жойдан ёрдам олмасдан ўз кучлари билан барча майдонларни текислаб, жўяк олиб чиқишди. Бу ишда катта тажриба орттирган отахон фарзандларига бош-қош бўлди. Ўша йили қарийб 6 минг дона терак ниҳоллари етиштириб, жўякларга экишди. Уч йил орасида тераклар сони 30 мингдан ортди. Ҳар йили қаламчалардан терак ниҳолларини етиштириш, билан бирга унга ишлов бериш, суғоришни ҳам намунали амалга оширди.

Отахон йиллар ўтиши билан янги ер очиш, тераклар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берганлиги натижасида ҳозирги вақтда улар сони 50 мингдан ортди. Теракни экиб қўйиш эмас, унга узоқ масофадан сув келтириб, суғориш ва парвариш қилиш ишлари ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. Бу савобли ишда фарзандлари ва набиралари Шокиржон, Илҳомжон, Алишерларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Отахоннинг дастлабки экқан тераклари иморатларга ишлатилмоқда. Терак ёғочларни ҳозирги вақтда хўжалик орқали бозордаги нархдан 40-50 фоиз арзонга таъмирлаш учун бепул ёғоч берди.

Ҳа, ёшликда суяги меҳнатга қотган Худойберди ота Ярашев ҳозирги вақтда 77 баҳорни қаршиламоқда. Ҳали отахоннинг танасида куч-қувватнинг кўплиги унинг юз-кўзларидан сезилиб турибди.

— Ҳар бир инсон дунёга келар экан, - деди завқланиб отахон, — ўзидан келажак авлодлар учун нимадир қолдириши керак. Мен ҳам ана шу ниятлар билан яшамоқдаман. Экилган дарахтларни суғориб, парвариш қилмаса ўзўзидан вояга етмайди. Мана, шунча экилган теракларимизнинг биронтасини ҳам қуриб қолишига йўл қўйганимиз йўқ. Айниқса икки йил давомида қурғоқчиликда жиддий қийинчиликларни мардонавор енгиб, уларни сақлаб қолдик. Ҳар биримиз келажак ҳақида қайғуриб теракчиликни ривожлантиришга эътибор берсак, четдан ёғоч излашга эҳтиёжимиз қолмайди. Президентимизнинг ёғоч саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлари ҳам шундан-да. Ҳар бир инсон ана шундай савобли ишларга қўл урса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Хайрулла ТЎРАЕВ, меҳнат фахрийси.

2-машғулот *Бозор, омилкорлик ва самара*

ХОДИМЛАР БОШҚАРУВИНИНГ УСУЛЛАРИ

Ходимлар бошқаруви ўзига хос фаолият сифатида ишловчиларга таъсир ўтказишнинг турли усуллари ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ўзига хос классификациялари мавжуд. Жумладан, инсонга таъсир қилиш хусусиятига қараб қуйидагиларга бўлинади: ходимларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ рағбатлантириш усули; ходимга мустақил равишда ўзининг хулқ-атворини белгилаш имконини берадиган маълумот берувчи ахборот усули; ишонтириш усули, яъни инсоннинг бевосита ички дунёсига таъсир кўрсатишга қаратилган усуллар ва ҳоказо.

Ишни ташкил қилиш жараёнида ходимлар бошқаруви табиийки, сезиларли даражада ўзгаради. Муҳим ишда тараққиётнинг иккита асосий босқичи ажратилади: кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини бошқариш. Ишлаб чиқариш эволюцияси давомида ишлаб чиқаришнинг глобал техник ва таркибий ўзгариши, рақобат даражасининг ҳамда корхона қайишқоқлигининг ўсиши, шунингдек, тармоқлашув, хусусийлаштириш кадрлар функциясида ходимлар бошқарувидан инсон ресурслари бошқарувига олиб келди.

Ходим фаолияти бўйича қарор қабул қилиш доираси бир томондан бошқарув тизимини мақсадли ташкил қилишга, бошқа томондан эса ходимга мақсадли таъсир ўтказишга тааллуқлидир. Ходимларга раҳбарлик қилиш бошқарув функцияси ҳисобида бошқа барча функцияларни ягона бир бутунга бирлаштириш, мувофиқлаштириш, ўзаро боғлашга йўналтирилган раҳбариятнинг функцияси — бу бутун бошқарувнинг маркази, унинг таъбир жоиз бўлса марказий нерв системасидир. Бошқарув тизими қанчалик мураккаб бўлса раҳбарлар олдида уни доимий такомиллаштириб бориш вазифаси туради.

Ходимларга раҳбарлик қилиш самарадорлигини оширишга қуйидаги омиллардан фойдаланиш ҳисобига эришилади:

— иш жойини яхши ташкил қилиш;

— ишлаб чиқариш жойларини тўғри режалаштириш ва ишлатиш;

— ишчиларни системали равишда қайта ўқитиш ва малакасини ошириш;

— бандлилик барқарорлигини таъминлаш;

— турли хил ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ходимлар бошқаруви объект сифатида уч даражада қаралиши мумкин: шахс, ижтимоий ташкилот сифатидаги жамоа ва меҳнат ресурси. Шунга мувофиқ ходимлар бошқаруви функциясида учта ташкил қилувчини ажратиш мумкин. Яъни шахсни бошқариш ишчининг индивидуал хусусияти ва фазилатини ривожлантиришини ҳамда шахснинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Меҳнат жамоасини ижтимоий ташкилот сифатида бошқариш, яъни барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисига мақсадли таъсир кўрсатишдир.

Инсон ресурслари бошқаруви ташкилот талаб қилган ходимни танлаш ва сақлаб туриш, уни ўқитиш ва ривожлантириш, ишчининг хулқ-атворини тўғрилаш ва унинг хизматларини тақдирлаш имконини берувчи ташкилот мақсадларини бажариш нуқтаи назаридан ҳар бир ишчи фаолиятини баҳолаш тушунилади.

Инсон ресурслари бошқарувини амалиётда қўлловчи компания одатда самаралилиги, бозорга яқинлиги, истеъмолчилар эҳтиёжларини юқори даражада қондириши билан ажралиб туради. Бундай ташкилотларда мартаба истиқболи яхшироқ, бахтсиз ҳодисалар камроқ, меҳнат натижаларидан қониқиш юқорироқ бўлади.

Зиёвуддин ҒУЛОМОВ, профессор.
Гули КОМИЛОВА, тадқиқотчи.





Талабаларнинг ёзги таътил вақтида Косон педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Уни 231-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоаси бажармоқда.

Бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Шу кунгача эса 450 миллион сўмдан ортиқ ишлар амалга оширилди.

Суратларда: қурувчилар етакчиси Абдихалил Мўминов, коллеж директори Сайфулло Дўстёров, қурувчилар Жамшид Бафоев ва Анвар Давронов; коллежда таъмирлаш ишлари қизғин.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИГАН БЎЛСА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинадиган бўлса, иш берувчи томонидан нималарга аҳамият берилмоғи зарур?

Р.ХАЙРУЛЛАЕВА, Бўстонлиқ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 174, 176 ва 178-моддаларига мувофиқ ҳар бир ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний буйруқларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб, асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички меҳнат тартиби қоидаларида, интизом тўғрисидаги низомларда, муассасада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, яъни жамоа шартномаларида, йўриқномаларида ҳамда ишга қабул қилишда тузилган меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Ҳар бир ишга қабул қилинаётган ёки бошқа ишга ўтказилаётган ходим ўзига юклатилган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан имзо чектириб таништирилиши керак. Бу қонун талабларининг иш берувчи томонидан бажарилмаслиги кўплаб низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

1996 йилнинг 1 апрелига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 41-моддасида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги учун жавобгарлиги алоҳида-алоҳида банд қилиб кўрсатилган эди. Лекин ҳозир амалдаги қонунимизда бу алоҳида банд қилиб берилмаган.

1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси II қисм 4-бандида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун иш берувчи ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларининг



рўйхати муассасада касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланадиган ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Ички меҳнат тартиби қоидасида меҳнат шартномаси бекор қилинишига олиб келувчи меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишига қуйидагилар киритилиши мумкин:

- прогул, яъни узрли сабабларсиз сурункасига ёки иш куни давомида жами уч соатдан ортиқ ишда бўлмаслик;

- алкоголли ичимлик ичиб, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида маст ҳолатида ишга келиш гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса билан тасдиқланса;

- иш жойида муассаса мол-мулкини ўғирласа, буни гувоҳлар тасдиқласа ёки ходимдан ўғирланган нарса далилий ашё сифатида олинса;

- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш технологиясини қўпол равишда бузиши муассаса ходимларининг, шу жумладан, тартиб бузувчининг ҳаёти ва соғлиғига хавф солишга олиб келган бўлса;

- бевосита пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатувчи ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилиши, агар ушбу ҳаракатлар раҳбарият томонидан унга ишонч йўқолиши учун асос бўлса;

- врачлик сирларини ошкор қилса;

- тарбиявий вазифаларни бажарувчи ходим бу ишни бундан кейин давом эттириш мумкин бўлмаган даражада ахлоқсизлик қилган тақдирда.

Агар муассасада ички меҳнат тартиби қоидаси қабул қилинмаган бўлса ёки у қабул қилинган бўлиб, унга юқорида кўрсатиб ўтилганлар киритилмаган бўлса, ходим ўз меҳнат вазифасини қанча бузмасин (ойлаб ишга чиқмаслик, маст ҳолда ишда бўлиш ва ҳоказо), барибир у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиб бўлмайди. Агарда меҳнат шартномаси бекор қилинса, ходимнинг аризасига биноан албатта мутасадди органлар томонидан ходим ўз ишига қайта тикланади ва барча мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ тўланади (МК 275-модда).

Шунинг учун муассасалар меҳнат низоларининг олдини олиш мақсадида меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилишда ҳар бир иш берувчи муассасада Ички меҳнат тартиби қоидаси, ходимларнинг меҳнат вазифалари тўғрисидаги йўриқнома, жамоа шартномаси бўлиши ва бу ҳужжатлар билан ҳар бир ходим ўз вақтида имзо чектириб таништирилишининг таъминланишига аҳамият бермоғи зарур.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ

ҳар биримизнинг бурчимиз

(Боши 1-бетда).

Бозор муносабатлари шакллана борган сайин фаровонликка интилиш ҳисси барчада, қайси соҳа соҳиби бўлишидан қатъи назар, ортиб бораверади. Бозор иқтисодиётининг ривожланиш омиллари жуда кўп, албатта. Лекин истеъмолчининг товарга бўлган талаби унинг умумий массаси ва хилма-хиллигига, сифат кўрсаткичларига мутаносиб ҳолда тўлиқ қондирилиб бориладиган бозор муносабатлари босқичида умум кўрсаткич сифатида, пул миқдорида товар массаси етарли бўлмаган бир даврда, ҳар бир товардан ўртача 20 фоизгача устама фойда олишган бўлса, 2001 йилга келиб, бозор муносабатлари мукаммал ўрганилиб иш юритилган тақдирда ҳам, устама фойда эмас, балки товарнинг баҳосидан чегирим сифатида 5-6 фоизгина фойда ола бошладилар. Шундан 1 фоизи транспорт ва бошқа кўзда тутилмаган харажатларни ташкил қилди, кичик тадбиркор эса 3 фоизгина чегирим фойдага эга бўлди, холос. Бунинг замирида пулнинг ҳаракат тезлигини ошириш, пул билан боғлиқ бўлган сунъий тўсиқларни буткул бартараф қилиш, пулнинг товар хилма-хиллигига, сифатига таъсир кўрсатишига имконият яратиб бориш устуворлик касб этганини кўрамиз.

Пулнинг ҳаракат тезлигини икки йўналишда ифодалаш мумкин. Биринчи йўналиш маълум пул миқдорининг белгиланган вақт ичида айланма ҳаракат сонини ифодаласа, иккинчи йўналиш маълум пул миқдорининг бир маротаба айланма ҳаракати учун сарфланган вақтни ифодалайди. Пул ҳаракатининг тезлигини ошириш учун эса маълум пул миқдорининг бир маротаба айланишига сарфланадиган вақтни қисқартириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Акс ҳолда, яъни кенг кўламда пул ҳаракатининг сўниб бориши республика миқёсида қўшимча равишда пул банкнотларининг муомалага чиқарилишига, пул эмиссияси кўрсаткичларининг бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда номақбул ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, пул ҳаракатининг сўниши меҳнаткашлар иш фаолиятининг қисқаришига, пулнинг инфляция даражаси кескин ошиб кетишига ҳам олиб келади. Чет эл экспертлари таҳлилига кўра, Япония, Германия, Англия каби давлатларда кичик бизнес вакилларининг иш фаолияти бир кун тўхтатилса, пулнинг инфляция даражаси камида бир ой давомида 19 фоизга кўтарилиб туриши аниқланган.

Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, тижорат соҳалари тармоқ сифатида асосий кўрсаткичлар ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичлар ишчи жойи, корхона, республика даражасида иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи омиллар даражасига кўтарилади. Пул ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичлар ишчи жойида - иш ҳақи, унга қўшимчалар миқдори ва вақтини, ишлаб чиқарувчи корхоналарда - истеъмолчига сотилган товар хажмининг капитал ва айланма маблағ миқдорини қоплаш даражасини, давлат миқёсида эса - эмиссия кўрсаткичларини белгилаши мумкин.

Бу босқичда, таклиф қилинаётган товарларга талаб ойма-ой эмас, балки кун сайин ўзгариб бориши кузатилади. Бундай вазиятларда, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар ва тижоратчилар ўз пул маблағларини имкони борича тез ҳаракатлантиришдан манфаатдор бўлиб борадилар, бунда уларнинг даромадлари устама фойдаси ҳисобига эмас, балки товарнинг баҳосидан «чегирим» ҳисобига шаклланиши табиий бир ҳол бўлиб қолади. Масалан, улар 1996 йилда, республика юзасидан ҳозирча энг юқори ўринларни эгалламаса-да, лекин маблағ ҳаракати, унинг самарадорлиги юзасидан бошқа тармоқларга нисбатан бир поғона юқори туради. Пул айланма ҳаракатининг энг юқори кўрсаткичи шу тармоқ иш фаолиятида намоён бўлади, у ўртача икки-уч ойни ташкил қилади. Бу дегани уларда пул маблағи кўп, деган гап эмас. Бу, бозор муносабатларини ҳаракатлантирувчи тармоқлар тизими юзага келганини ва улар ҳозирги босқичда ички ҳамда ташқи бозорда ўта рақобатбардош товарлари билан ўз фаолликларини кўрсатишга тайёр эканликларининг яна бир ифодасидир.

Фараз қилинг, шу тармоқлар учун уларнинг оғирини енгил қилувчи шароит ва имкониятлар янада кўпроқ юзага келтирилса, уларни қийнаб турган муаммолар буткул ҳал қилинса, бозорларимиз, катта савдо марказларимиз ва мажмуаларимиз, меъёрий ҳужжатларда ёзилмаган бўлса-да, тарихий жиҳатдан «очиқ иқтисодий савдо ҳудуд»лари эканлигини эсимиздан чиқармасак ва шу аснода - пул ҳаракатини янада тезлаштириш, товарлар хилма-хиллигини ва сифат кўрсаткичларини ошириш, қолаверса, шу товарлар қўламининг таъсир кучи ва боғсими остида товар ишлаб-чиқарувчиларнинг ички бозор билан бир қаторда кўпроқ ташқи бозорларга ишлашларини таъминлаш ва шу жараённи узлуксиз ривожлантира бориб халқ фаровонлигини янада юқори даражага кўтариш мумкин эмасмикан...

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичда, ҳар биримиз, кенг маънода иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи тармоқларни етакчи тизим сифатида янада ривожлантириш, юксалтириш, уларнинг имкониятларини мунтазам кенгайтириб бориш, оғирини енгил қилиш — халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдаги асосий омил ва вазифалар, жоиз бўлса талаблар эканлигини тушуниб етмоғимиз керак. Бу борада, қайси тармоқ, соҳа ёки жамоа вакиллари бўлмайлик, янада касбга, халққа ва давлатга меҳр кўзи билан қараб, ўз иш фаолиятимизни юргизишимиз зарурлигини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Лутфулла ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг бўлим мудири, иқтисод фанлари номзоди.

ҲИКМАТЛАР

Ҳеч бир йўқотишдан қайғуриш керак эмас, фақат ниятни йўқотишдан қайғуриш керак. Чунки бирор хайрли иш ниятсиз дуруст бўлмайди.

* * *

Кишининг энг ёмон жиҳати кибрни севмоқлиги ва ишларда ихтиёр соҳиби бўлмоқлигидир. Ҳолбуки, кибр фақатгина зоти буткул беайб бўлган Зотга ярашади; ихтиёр эса илми буткул жаҳолатсиз бўлган Зотга дуруст бўлади.

Ҳаким ат-ТЕРМИЗИЙ



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Кўҳна удумларимиз

Оиланинг пойдевори совчиларнинг фидойи, савобталаб меҳнати асосида қурилади. Совчилар икки хонадон ўртасида қариндош-уруғлик ришталарини боғловчи воситачи ҳисобланади.

СОВЧИЛАР ҚАДАМИ ЕТГАН УЙ

Туркий халқларда азалдан совчилик энг шарафли, масъулиятли вазифа саналган. Ўтмишда подшоҳ ва амирзодалар ҳам уйланишда қиз ва ота-онасининг розилигини совчилар орқали сўраганлар. Бу ҳолат Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарида қизиқарли лавҳаларда тасвирланган. Мирзо Ҳиндолнинг саройида Ҳамидабонуга Ҳумоюн подшоҳнинг кўзи тушади ва унинг қўлини сўраб киши юборади. Мен қўлимни узатсам бўйнига етадиган кишига тегаман, қўлимни узатганимда, этагига ҳам тегмайдиган кишига эмас, - деб жавоб берган Ҳамидабонунинг инжиқлигига қарамасдан, совчилар уни кўндириш чорасини излаганлар. Ҳумоюн подшоҳ бўлсада, совчилик удуми амалларини оёқости қилмасдан Ҳамидабонунинг совчилар орқали берадиган жавобини кутган.

Ўз даврида Амир Темур ҳам совчилар орқали ўғли ва набираларига келин бўлишга лойиқ қиз суриштирганлиги манбалардан маълум. «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин олмоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одам орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи соғлом ва бакувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим», - деган эди Соҳибқирон.

Қашқадарё воҳаси ўзбеклари ҳам келин танлашда юқорида кўрсатилган ўзбекона удумларга қатъий амал қилганлар. Улар «қиз кўрди», «уй кўрди» удумларига кўра, бўлажак келиннинг ота-онаси турмуш тарзини, қиз хонадонининг саришталигини махсус юборилган аёллар орқали ёки меҳмондорчиликда бўлиш баҳоналарида, баъзан қўни-қўшнилар орқали сўраб-суриштириб аниқлаганлар. Келинликка қиз танлашда бўлажак қуданинг моддий аҳволи ҳам назардан четда қолмаган, албатта. Келин танлашнинг бу тамойиллари ҳозирги пайтда ҳам сақланиб қолган.

Қизнинг «боши очиқ»лиги аниқлангач, совчиликка дастлаб аёллар, сўнгра эркаклар боришган ва ишни битказганлар. Воҳада совчилар «совчи», «жугчи» номлари билан аталади. Совчиликка ҳафтанинг хосиятли душанба, чоршанба, жума кунлари кечқурун, оқшом тушгандан сўнг, одатда икки, баъзан тўрт эркак бўлиб боришади.

Одатда совчиликка кукёвнинг тоғаси, амакиси ёки яқин қариндошларидан обрўли, кўпни кўрган, ували-жували, серфарзанд ва бир никоҳли киши юборилган.

Бўлажак қуда куёв томоннинг кимлигини, эл орасидаги обрў-эътиборини дастлаб келган совчиларнинг қандай кишилар эканлигидан, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларидан билиб олганлар. Халқ орасида «кувёвни кўрма, жўнатган совчисини кўр» ибораси ҳам совчига бўлган талаб ва ҳурматни билдиради. Совчилик муқаддас, савобли ва ориятли ишдир. Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда қиз хонадонида умр савдоси тўла ҳал бўлмагунча бошқа бир томон орият билиб устига совчи юбормаган. Мабодо шундай ҳолат содир бўлса, бу совчи юборган хонадон эл-юрт ва жамоада қораланган. Ҳадисда ҳам бу ҳақда «Биров қўйган совчи уйига то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юбормангланг», - дейилган.

Совчиликка боришда миниб бориладиган уловлар - от ва эшакнинг рангига ҳам эътибор қаратилган. Илгарилари «оқ от» ёки «оқ эшак» миниб, совчиликка бориш расм бўлган. Воҳа аҳолиси орасида фалончининг уйига «оқ эшак айланибди» дейилса, ўша кишиникига совчи келганлигини англатган.

Деҳқонобод қўнғиротлари совчиликка боришда қиз томон оёғини тираб олмасин, деб оёғини узангидан чиқариб боришган. Демак, қиз томон розилигини олиш йўлида турли-туман ирим-сиримларни бажарганлар.

Ҳозирги пайтда совчиликка келиш муносабатини билдириш анчагина соддалашган бўлиб, «қулчиликка келдик», «қизингизни сўраб келдик», «унаштиргани келдик», каби оддий шаклларда ифодаланмоқда.

Ҳуллас, совчилар совчилик маънавиятини сақлаган ҳолда қадимдан оиланинг шаклланишида, нотаниш хонадонлар орасида қариндошлик ришталарини боғлашда асосий воситачи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Гулруҳ ТОШЕВА



Битта қўй-барака, иккита қўй — бойлик, учта қўй — хазина.

* * *

Ҳақиқий чўпон бугунни ўйламайди, отарнинг эртасига назар ташлайди.

* * *

Қўйнинг мижози иссиқ эмасми, уни ҳар икки соатда шамоллатиб туриш лозим.

УЧТА ҚЎЙ - ХАЗИНА

* * *

Қўтон-қўра озода бўлса, намлик қўйларни касалликка чалинтирмайди.

* * *

Қўйлар совуқ сув ичса, тўл қўлдан берилади.

* * *

Қоракўлтери олиш учун - 130 кун талаб этилади. Совлиқ шундан бир кун авval сўйилади.

* * *

Касалланган ва нимжон қўйларни ажратиб олиб,алоҳида боқиш керак.

* * *

Ем-хашак нишхўрдга чиқмасин десангиз, уни оз-оздан солинг.

* * *

Яхши насл - асл ҳосил.

А.АЛИЕВ.

ЯНГИ НАШР

Мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар сони яна биттага кўпайди. 1 август куни матбуот сотиш дўконларига Ўзбекистон «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси муассислигида «Мезон» газетаси сотувга чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, «Мезон» лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди. У асосан, саводи лотин ёзувида чиққан ёшларимизга мўлжалланган. Шунингдек, мазкур нашр лотин ёзувини ўрганишни ёки бу борада малакасини оширишни истаган юртдошларимизга ҳам қўл келади. Газетада чоп этилаётган ёшлар ҳаётига оид янгиликлар, ўсмир ёшларни қизиқтирадиган мунозарали материаллар, қизиқарли дам олиш саҳифалари кўпчиликни бефарқ қолдирмайди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КУТУБХОНАЧИСИ

Абулқосим Фирдавсий номидаги Бухоро шаҳар кутубхонасида ушбу касб эгаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ўттиздан ортиқ кутубхоначи иштирок этди.

-Биринчи ўрин ва уч ойлик маош миқдоридаги пул мукофоти Зафар Диёр номидаги болалар кутубхонаси ходимасига насиб этди,-деди шаҳар маданият бўлими мудираси Олия Рашидова "Туркистон-пресс" мухбирига.-Яқинда айнан мана шу мавзуда вилоят кўриги бўлиб ўтади ва ғолибамиз унда иштирок этади.

Пазанда маслаҳати

ҚОВУРМА АРАЛАШ САЛАТ

Яримта карам, 4-5 дона булғор қалампири, 4-5 дона қизил сабзи майда сомонча шаклида тўғралади. Қизиб турган ёғдан ҳар бир масаллиқ устига озгинадан солинади. Тузли сувда қайнатиб пиширилган гўшт ва 2-3 дона бодринг тўғралади. Турли кўкатлар, майдаланган кашнич уруғи, мурч, ярим чой қошиқ уксус солиб барча масаллиқ аралаштирилади ва чиройли идишларда дастурхонга тортилади.

КАРАМЛИ САЛАТ

Карам майда сомонча шаклида тўғралиб, туз, зира, кашнич уруғи билан аралаштирилади ва озгина салат ёғи қўшилади. Ликопчага солиб, чиройли қилиб безатилиб, дустурхонга тортилади.

БОДРИНГЛИ САЛАТ

Қизиб турган ёғда пиёз, қиймаланган гўшт, помидор яхшилаб қовурилади. Керагича туз солиниб, қийма пишгач, саримсоқ, укроп, кашнич солиб аралаштирилади. Паст оловда бир пас димланади ва олов ўчирилади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган бодринг, корейсча сабзили тўғрама, кашнич уруғи, мурч, уксус аралашмалари қўшилиб, совугунча димлаб қўйилади.

Ним табассум

РАНГИ ЁҚМАДИ

Икки дугона учрашиб қолишди.

— Эсингдами, ўтган йили Гуля иккита «Мерс»и бор йигитга турмушга чиқувди. Ажрашишаётганмиш.

— Нега?

— Талашиб қолишибди. Гуля мен қора «Мерс»ни минаман, деган экан, эри уни ўзим минаман, сенга оқи ҳам бўлаверади, дебди.

ЧАЛАСАВОД

Кадрлар бўлими бошлиғи иш сўраб келган ходим билан танишмоқда.

— Исм-шарифингиз?

— Ўл-мас-бек Аб-бос-беков.

— Нима, дудуқмисиз?

— Йўқ, мен эмас, отам дудуқ бўлганлар, — жавоб берибди янги ходим. — Фақат ҳужжат тўлдирган одам ғирт чаласавод бўлган экан.

ХОТИРА

Франкфурт аэропортида ҳаёт қайнайди. Ҳар беш дақиқада бир самолёт қўнаётир. Диспетчернинг пешона терини артишга ҳам вақти йўқ. Бир пайт қўниш йўлакчасига шўнғиб келаётган самолёт ерга бир неча метр қолганда яна осмонга кўтарилиб кетди. Иккинчи уринишда ҳам шу ҳол юз берди. Диспетчер рация орқали жаҳл билан учувчидан сўради:

— Нима бало, аввал ҳеч Франкфуртга учмаган эдингизми?

Учувчи хотиржам жавоб қилди:

— Нега энди, учганман... Аммо бу анча илгари, 43-йилда эди. Ўшанда бирикки пастлаб... сўнг қўнмай учиб кетгандик.



Изоҳнинг ҳожати йўқ

рассом: Баҳром Тожиев.

Ҳозирги амалдаги тақвим (календар) «милодий» деб юритилади. Бу сўзнинг арабча маъноси «туғилиш» демакдир.

Мазкур тақвим бўйича йил 365 кундан иборат. Чоракта ошиқ куни ҳам бор. Улар ҳар тўрт йилда қўшилиб, бир кунни ташкил этади ва ўша йил 366 кун бўлади.

ТАҚВИМЛАР ТАРИХИ

Бу йил арабча «Кабиса», яъни Тугал йил дейилади. Қайси йиллар рақами бекаср тўртга бўлинса, ўша йил «Кабиса» бўлаверади.

«Ҳижрий» сўзи «кўчиш» деган маънони билдиради. Ҳижрий тақвим милодий 622 йилдан бошланган. Бошқача айтганда, ҳижрийга бир ёш тўлганда милодий 623 га кирганди.

Ҳижрий тақвим йили 354 кундан иборат. Бунда ҳам 4 йилда бир кун ошиқ, яъни 355 кун бўлади.

Милодийдаги ҳар йилги ошиқ 11 кун қўшила бориб, ҳар 32 йилда бир йилни ташкил этади. Шу йўл билан милодийча 32 йил, ҳижрийча 33 йил бўлади. Ҳижрийга ой тақвими асос қилиб олинган.

А.АКБАРОВ.

Спорт

ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

таътилда ҳам тинч ўтиролмайди

Умиднинг Ўзбекистон чемпиони бўлганлиги ҳақидаги хабар маҳаллага тез тарқалди. Биров ишониб, биров ишонмай «ўзимизнинг Умидми», дея қувончини ичига сиғдиролмади. Айниқса, синфдошлари алоҳида тараддуд билан унинг келишини орзиқиб кутишди.

Шунга ҳам сал кам бир йил бўлди. Оққўрғонликлар чемпион боксчилар спорт мактабининг тарбияланувчилари Умид Тўрақулов, Фаррух Юсуповлар билан чин дилдан фахрланишади. Ҳар доимгидай, бу йил ҳам ҳомий ташкилот — «Акмал» хусусий фирмаси томонидан мактаб яхшилаб таъмирланди, зарур жиҳозлар олинди. Янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилди.

Стадион, айниқса, футбол майдони болалар билан гавжум. Маҳаллалар, мактаблар ўртасидаги куч синашувлар таътил кунларида ҳам давом этаётир. Мураббийлар дам олишда бўлишларига қарамай беллашувларни назоратга олиш учун вақтларини аямаётирлар.

460 ўқувчини ўз бағрига олган ушбу спорт мактабида футбол, баскетбол, бокс, кураш, таэквондо бўйича моҳир, тажрибали мураббийлар ёшларга сабоқ беришмоқда. 3 нафар мураббий спорт устаси, 2 нафари спорт усталигига номзод. Исроил Сидиқов мураббийлик қилаётган юнон-рум кураши бўлимида тарбияланувчи ўқувчилардан 5 нафари спорт устаси номига эга эканлигиёқ маҳоратини оширмоқда.

— Тажрибали мураббийлар, - деди спорт мактабининг директори Суннатулла Худойбоқов фахр билан, — ўспиринлардаги айланган қизиқишларни англаб, уларни тўғри йўлга бошламоқдалар. Натижада чемпионлар, спорт усталари сони ортиб бормоқда. Ишонамизки, келажакда шогирдларимизнинг кўпчилиги, катта халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Бу йўлда уларга маҳорат сирларини ўргатаётган Владимир Егоров, Айдер Айнабеков, Ўткир Жалолов, Олимжон Мўминов каби устозларимизнинг бугунги саъй-ҳаракатларини таъкидлаш жоиз.

Оққўрғон туманидаги 49 та умумтаълим мактабларида ҳам жисмоний тарбия ва спорт ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ёзги таътил кунларини ўқитувчилар ва ўқувчилар қандай ўтказаётгани билан қизиқиб, туманнинг энг чекка қишлоғида жойлашган 33-мактабга кириб бордик. Мактаб биноси ва синфхоналар таъмирланиб, мавсумга шай ҳолга келтирилган.

Иккита футбол, иккита волейбол, иккита баскетбол майдонлари мавсумга тайёрлаб қўйилган. Турли ёшдаги болалар футбол билан машғул. Мактаб директори Абдулла Ҳайталиев, жисмоний тарбия ўқитувчиси Тоҳир Солиевлар болаларни гуруҳларга бўлиб, ўзаро ўртоқлик учрашувлари ташкил этаётганлари, айниқса, қувонтирди.

Бир ҳақиқат ёдимизга келди: чемпионлар ана шундай ташкилотчи, фидойи инсонлар яшайдиган олис қишлоқлардан, маҳаллалардан етишиб чиқади.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 719. 1 2 3 4 5 6